

**БЎЛАЖАҚ МУСИҚА ЎҚИТУВЧИЛАРИ БАДИЙ ДИДИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШДА МУМТОЗ МУСИҚАНИНГ  
МЕТОДИК АСОСЛАРИ**

**Аброржон Азимов**

*НавДПИ, Мусиқа таълими кафедраси катта ўқитувчиси*

**Аннотация:** Ушбу мақола мазмунида мумтоз “Бухоро шашмақом” иккичалигининг энг қадимги тарихий босқичлари ва фанлар билан боғлиқ жараёнлари, улуғ сиймоларнинг илмий қарашлари ва жаҳон мусиқа дунёси таълими соҳасидаги ўрни, шунингдек, мусиқий таълим йўналишларида чолғу ижроилиги машғулотларининг ташкилий тузилиш хусусиятлари ва мусиқа асарлари устида ишлашнинг ўзига хос методик жиҳатлари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилган.

**Калитли сўзлар:** шашмақом, куй, ритм, штрих, жанр, салютлар, маршлар, ийғичилар, диний, Гатҳо, Авесто, “Мақом”, “Ногорахона”, танбур, рубоб, нағора, қобуз, табл, зурна, най, чағона, шайпур, сурнай, карнай, аргунун, қонун, Рост”, “Хусравоний”, “Бода”, “Ушшоқ”, “Зурафканд”, “Бўсалик”, “Сипахон”, “Наво”, “Баста”, “Тарона”, Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ, “Мушкулут” ва “Наср”, “Чертил ва Айтим”, Тасниф, Тарже, Муҳаммас, Сақил, “зарб- ул-қадим”, “Роҳавий” .

**МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ КЛАССИЧЕСКОЙ МУЗЫКИ В  
РАЗВИТИИ ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ВКУСОВ БУДУЩИХ  
УЧИТЕЛЕЙ МУЗЫКИ**

**Аброржон Азимов**

*Стр.преподаватель НГПИ, кафедры музыкальное обозование*

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются наиболее древние исторические этапы и научные процессы классического «Бухарского шашмакома», научные взгляды великих деятелей и их роль в становлении мирового музыкального мира, а также организационная структура занятий инструментальной музыкой и работы над музыкальными произведениями. комментарии по методологическим аспектам.

**Ключевые слова:** Шашмакам, мелодия, ритм, штрих - код, жанр, салюты, стартеры, коллекционеры, религиозные, Авесто, "статус", "Нагорахона", танбур, рубоб, нағора, қобуз, табл, зурна, най, чағона, шайпур, труба, аргун, закон, правда", "Хусравани", "бода", "Ушшак", Зурафканд", "бусалик", "Сипахан", "Баста", "Тарона", бузрук, рост, наво, дуга, Сегоҳ, Ирак," мушкулат

"и" Наср", "щелкнутовый и рассказывание", тасниф, тардже, мухаммас, сакиль," зарб - уль-Кадим", "рахави".

## METHODOLOGICAL BASIS OF CLASSICAL MUSIC IN THE DEVELOPMENT OF ARTISTIC TASTES OF FUTURE MUSIC TEACHERS

Abrorjon Azimov

Page teacher of NSPI, department of music education

This article discusses the most ancient historical stages and scientific processes of the classic "Bukhara Shashmakom", the scientific views of great figures and their role in the formation of the world musical world, as well as the organizational structure of instrumental music and work on musical works. comments on methodological aspects.

**Кей wordс:** Shashmakam, melody, rhythm, barcode, genre, salutes, starters, collectors, religious, Avesto, "status", "Nagorahona", tanbur, rubob, nagora, kobuz, tabl, zurna, nai, chagon, sheypur, pipe, Argun, law, truth ", Khusravani", "boda", "Ushshak", Zurafkand "," bead "," Sipahan "," Basta "," Tarona ", buzruk, growth, navo, arc, Segoh, Iraq," muskulat "and" Nasr "," nutcracker and storytelling ", tasnif, tarje, muhammas, sakil," zarb - ul-Kadim "," rahavi ".

Марказий Осиё ва яқин шарқ мамлакатлари заминида мусиқий маданият ва тасвирий санъат Европа ва айрим Шарқ давлатларига қараланда жуда эрта ривожланган. Зардуштийлар даврида сарой маросимий мусиқа ижрочилик амалиёти юқори даражага кўтарилиган. Мисол тариқасида "Қири" қўшиқчилигини келтириш мумкин, буни нафақат саройда, ҳатто кенг аҳоли ўртасида ҳам ижро этишган. Мусиқа санъати намуналарининг археологик топилмалари, умум ижрочилик маданияти билан ҳам боғлиқдир. Чунончи, сахнавий ҳолатдаги Ритон [будда ҳайкали] минбари милоддан олдинги IX-X асрларга тегишлидир.

Абу Райхон Беруний келтирган маълумотларга кўра, шу даврда Марказий Осиёда маҳаллий аҳоли йил давомида 7 турдаги байрамни кенг нишонлаган. Байрамлардан «Наврӯз» гўё подшоҳнинг туғилиши куни сифатида тантана қилинган. Айниқса, худди шу байрам ҳамда шу тусдаги ўзга урфодатлар, маросимлар ўз навбатида янги анъаналарининг шаклланишига олиб келган. Бу даврда кифара, флейта [най], арфа [чанг] энг қадимги чолғулардан дўл-ноғора, йирик рез ноғора, ҳарбий ноғора, кичик ноғора, дойра [дафф], таблак, хинд таблаги, кўс, табира қаби урма чолғуларининг ўша давр турлари етакчилик қилган.

А.Ражабовнинг маълумотига кўра, Бухоро мусиқа маданиятининг ўзига хослиги Дарборий [сарой] мусиқа, яъни Бухоро мумтоз санъати [кейинчалик

Шашмақом туркуми], диний-маросимий мусиқа анъаналари, ҳарбий мусиқа турлари, паҳлавонлар мусиқаси, шаҳар ҳунармандчилик мусиқа йўналиши, Рустой ва Дехат, яъни фольклор ижодиёти намуналаридан ташкил топган.

Марказий Осиё тарихининг X-XII асрларда келиб Бухоро тожик мусиқа санъати янада тикланиб, исломдан олдин ривожланиб равнақ топган эди. Бироқ, араблар ҳарбий юришидан сўнг, Марказий Осиёда ислом дини ўрнатилди ва Бухоро халқининг аждодий санъати бўлмиш, ҳозирги “Шашмақом” эса “Мақом” деб юритилди. Ундан олдин эса давлатнинг “Рамз”и, “Мадхия”си сифатида сарой олий анъанавий (аждодлар руҳи ва тарихи билан боғлиқ) мусиқа ижрочилиги мероси ҳисобланган.[10.5-7.] Ушбу мерос АРК-да подшоҳнинг қаттиқ назорати остида кечган ва ривожланган эди. Аҳолига хизмат қилиш, турли оммавий тадбирлар ўтказиш учун саройдан руҳсат олгандан сўнг, маҳсус назоратчилар остида амалга оширилган. Бошқа вақтларда эса саройнинг АРК-дарвозаси теппасидаги “Ноғораҳона” остида жойлашган 25-30 метр баландликдаги ички ва ташқи сахнасидан туриб намоиш этилган.

Ўзбек адабиётшунос олими Н. Маллаев қадимий қўлёзмалардаги маълумотларга таяниб X-XII асрларда Марказий Осиёда мусиқа чолғуларидан – танбур, рубоб, кўсса(қўш) нағора, қобуз, табл, зурна, най, чағона, шайпур, сурнай, карнай, аргунун, қонун каби ҳамда зарбли ва пуфлама мусиқа чолғулари ижрочилика кенг қўлланилганлиги ҳақида, шунинг билан бирга шу даврда “Рост”, “Хусравоний”, “Бода”, “Ушшоқ”, “Зурафканд”, “Бўсалик”, “Сипахон”, “Наво”, “Баста”, “Тарона” ва жуда кўп мусиқий асарлар шу номланиши билан ижро этилганлиги ҳақида маълумот берган.[9.94.] Тиббиёт дунёсининг шайхураиси ва алломаси Абу Али Ибн Сино (980-1037) ҳам мусиқа илмига катта эътибор берган. Баъзи мусиқий рисолаларда зикр этилишича Абу Али Ибн Сино гўё Султон Маҳмуд Фазнавий, Носир Хусравлар билан биргаликда “Фижжак” мусиқа чолғусини ихтиро қилганлиги ҳақида маълумот берилган. [2.94-98]

Марказий Осиё халқлари тарихда жуда кўп истилочиларни, босқинчилик харакатларини ўз бошидан кечирган. Масалан: Ахмонийлар, Сосонийлар, Макидониялик Искандар (334), Чин ҳоқонлари (IX аср), Араб халифалиги (XII аср. 665), Мўғул истелочилари (XII аср. 1219), 1921-1990 йиллар давомида Россия зўравонлигидаги тоталитарияти ва бошқалар. Бу даврларда Бухоро, Хоразм, Сурхандарё, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона водийсининг кўп жойлари харобага айланган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудидаги Хоразм, Афросиёб, Холчаён, Термиз, Варахша, Болаликепа, Даливарзинтепа ҳудудларида олиб борилаётган археологик қазилмалар натижасида топилган жуда кўп ёдгорликларда адабиёт, санъат ва маданият соҳасига тегишли ҳамда жуда кўп мусиқа чолғуларининг қолдиқлари, хонанда ва созандалар акс эттирилган терракота суратларнинг нусхалари топилмоқда.

Фақат Амир Темур Замонида Туркистон мўғул босқинчиларидан озод қилинди. Мовароуннаҳр кўлга олиниб, Самарқанд унинг пойтахти деб эълон қилинди. Ундан ташқари Олтин Ўрдага юриб Шимолий Кавказни, Астрахан, Қора денгиз бўйлари 1399 йил, Эрон, Шимолий Ҳиндистон, Туркия 1402 йил, кейин Ироқ, Сурия ва бошқа жуда кўп мамлакатларни әгаллади. Шу даврда Мовароуннаҳрда маданият, адабиёт, санъат ривожланди.[1.32-38.]

Шуни қайт этиш жоизки, Темурийлардан сўнг Марказий Осиё заминидаги ички урушлари ҳам бир-бировига қарши бўлган муносабат натижасида санъат аҳлининг ижодиёти ва тадқиқот-юришларига салбий таъсир кўрсатди. Сўнги асрларда Шайбонийхон даврида тўлиқ шаклланган “Шашмақом” номи билан яна тикланди. Бинобарин, Охирги Бухоро Амири Сайид Олимхон даврида Марказий Осиё давлатлари Чор Россияси босқини ва Атеистик хужумлар қўлига ўтиб 70-йиллик зарбани бошидан кечирди. Бунда; “Шашнақом” гўё диний, уни ижро этишни таъқиқлаш ва унга нисбат миллийликни акс этгувчи энг пешқадам анъанавий чолғуларимизни касб сифатида қабул қиласли, булар; Танбур, Сато, Манзур, Таблалар, Қонун ва бошқа чоғуларни ўқитиш тизимидан четлаштирилган эди.

Мақомларнинг ўтмишда ижро этилиб келинган намуналари бизгача етиб келмаган. Қадимий ёзма манбалардан маълум бўлишича улар турли шаклларда бўлган ва “Ўн икки мақом Ўрта Осиё ҳалқларида тахминан XI-XII аср бошларида Бухорода юзага келган Шашмақом XVII асргача тугал шаклланган бўлса, уни шаклланиш жараёни XII-асрга тегишли ва анча илгари бошлангани табийдир.

**Шашмақом** – Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ мақомларидан иборат. Ҳар бир мақом икки бўлимдан иборат. Чолғу ва ашула бўлимларидан иборат, бўлиб, улар сўнги давларда “Мушкулот” ва “Наср” иборалари аталган. Хоразмда эса “Мансур” ёки “Чертим йўли” билан ва “Манзум” ёки “Айтим йўли” деб ҳам аталади. Ҳар бир мақомнинг чолғу бўлимида Тасниф, Тарже, Муҳаммас, Сақил ва бошқа иборалар билан номланган бир неча қисмлар бўлиб, улар қайси мақом таркибида бўлсалар, шу мақом номи билан қўшилиб “Таснифи Бузрук”, “Таржъеи Бузрук”, “Гардуни Сегоҳ”, “Муҳаммаси Ироҳ”, “Сақили Наво” каби аталади. Бу қисмлар мақомнинг ҳар бирида мустақил куй мавзуларга эга бўлсада, тузилиши жиҳатидан деярли фарқ этмайди. Айрим мақомларнинг эса ўзларига мақомларнинг бошқа қисмлари билан отдош бўлмаган чолғу йўллари ҳам мавжуд. Бундай қисмлар-Наво мақомидаги Нағмаи Орас, Дугоҳ мақомидаги Пешрави Дугоҳ ва Самои Дугоҳ ҳамда Сегоҳ мақомидаги ҳафифи Сегоҳдир.

Ўзбекистон Республикализ мустақилликка эришган давр ичida ҳалқимизнинг ижтимоий ҳаётида, турмуш тарзи ва мадананиятида кескин янгиланиш ва кўтаринкилик юз берди. Мустақиллик туфайли аждодларимизнинг

бой тарихий қадриятлари, минг йилларни қамраб олган бетакрор маънавиятмаданияти гуркираб яшнаб, янгича йўналиш олмоқда.

Халқимизнинг маънавий мероси саналган, асрлаб ривож топиб келган, мусиқий анъаналарни ўрганиш бўйича ҳам кенг йўл очиб берилди. Янги давлат таълим стандартлари буйича Республикада Олий мусиқа таълими берувчи педагогика университетлари ва институтлари, мусика факультетлари ва бўлимлари учун жорий қилинган ўқув режасига “Мақом асослари”, “Анъанавий қўшиқчилик” дарсларининг киритилиши бўлажак мусиқа бакалаврларини миллий мусиқий меросимизни мукаммал ўрганишга яратилган катта имконият бўлди. Пировард натижада ҳозирги кун талаби иймон-эътиоди бутун, иродаси бақувват, мустақил дунёқарашга эга бўлган, ўз миллатимиз аждодларимизнинг бебаҳо мусиқий меросини мукаммал эгаллаган баркамол инсон, юксак бадиий дидга эга бўлган маданиятли шахсни тарбиялашга эришиш мумкин бўлди.

Мақомлар мазмуни, давлат тарихи, оҳангি билан инсон ҳаёти, ижтимоий турмуш тарзи ҳамда табиат ҳодисаларига монанд тарзда яратилган. Буни, Нажмиддин Кавкабий Бухорий (XVI аср) нинг “Мусиқа ҳақидаги рисола” [3] асарида баён этилган қуйидаги фикрларидан ҳам англаш мумкин: “Айрим мақомларни ижро этиш учун мувофиқ келувчи вақтни танлаш керак. “Роҳавий” мақомини қуёш чиқиш олдидан, “Ушшоқ”ни қуёш чиқиб бўлгач, “Рост”ни чошгоҳ арафасида, “Ирок”ни чошгоҳ пайтида, “Бузрук”ни қуёш ботиши пайтида, “Буслик”ни дигар намози (choшгоҳ билан қуёш ботиши олдидан ўқиладиган намоз) вақтида, “Зангула”ни қуёш ботиши пайтида, “Наво”ни номозшом пайтида, “Зирафиканд”ни уйқуга ётиш олдидан, “Исфахон”ни тунда ижро этиш керак” [2]. дейилган.

Мақомларнинг инсон руҳиятида кечадиган психологик ҳолатларга мувофиқлигини назарда тутган ҳолда ҳар бир шўъба ва халқ ашулаларини ўрганишдан олдин талабаларда ўрганилиши назарда тутилаётган қўшиққа мос кайфиятни юзага келтириш мақсадга мувофиқдир.

Педагогика олий таълим муассасаларининг мусиқа факультетлари амалиётини кузатиш, бўлажак мусиқа ўқитувчилари фаолиятини ўрганиш, уларнинг хоҳишистаклари, қизиқиш ва эҳтиёжларини таҳлил қилиш асосида “Анъанавий қўшиқчилик” ва “Мақом асослари” курслари бўйича миллий мумтоз қўшиқларни, уларнинг мураккаблик даражасига кўра қуйидаги тартибда ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлигига ишонч ҳосил қилинди ва уларни ўрганиш тартиби “Анъанавий қўшиқчилик” ва “Мақом асослари” ўқув курслари бўйича тузилган дастурларда берилган мумтоз асарлар талабаларнинг ижро

тажрибаларининг ортиб бориши, кўникма ва малакалари динамик ўсишини инобатга олган ҳолда, оддийдан-муракқабга тамойили асосида танланган.

Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини педагогик амалиётга тайёрлашда ҳам улар томонидан мумтоз қўшиқларнинг пухта ўрганилиши муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мумтоз асарлар таъсирchan кучга эга бўлиши билан бирга уларда халқона руҳ мавжуд бўлиб, нафақат талабаларни, шу билан бирга ўқувчиларни ҳам миллий қадриятлар асосида тарбиялаш, уларда асрлар давомида эъзозланиб келинган маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Мумтоз қўшиқлар яшовчанлигининг сабаби ҳам уларнинг халқ дидаға мослиги, халқ томонидан тан олинганлигидир.

Шунингдек, уларнинг мазмунан ва мусиқий жиҳатдан мукаммаллиги, ғоявийлиги барча ёшдаги кишилар эътиборини ўзига торта олади. Миллий мумтоз қўшиқларнинг умрбоқийлигини таъминловчи омиллардан яна бири – ҳар қандай замон ва маконда ҳам инсонларнинг маънавий эҳтиёжини тўла қондира олганлиги бўлиб, ана шу жиҳати билан бугунги кунда ҳам юқори бадиий қийматга эга.

Ўқувчиларнинг мусиқий билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган бу талаблар моҳиятини мантиқан таҳлил қилиш натижасида шундай хуносага келиш мумкин,. Биринчидан, уларда миллий мумтоз мусиқани ўрганишга бўлган эътибор ўз ифодасини топган; иккинчидан, уларнинг асосида ўқувчиларда юксак бадиий дидни шакллантириш имкониятлари инобатга олинади.

Мусиқий таълимнинг самарали ташкил этилиши натижасида ўқувчиларда мумтоз мусиқий асарларига тўғри баҳо бериш, юқори бадиий савияга эга қўшиқлардан мазмуни саёз асарларни ажратса олиш ҳамда мумтоз қўшиқларга объектив баҳо бера олиш кўникмаларининг шаклланишига имкон яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

- 1.Амир Темур тузуклари. Форсчадан А.Софуний ва Х.Кароматов таржимаси.-Т.:Faafur Fулом номидаги нашриёт, 1991.– 104 б.
- 2.Askarali Rajabov. “Nag‘mai Niyogon”. Dushanbe. Adib. 1998. 194 s.
- 3.Вамбери X. Бухоро ёхуд Мавороуннахр тарихи.- Т.:Faafur Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.– 96 б.
- 4.Гофуров Б.Г. История Таджикского народа. Издание второе.- Д.: Ирфон, 1952.– 188 с.
- 5.Saidiy S.B. Zardushtiy va buddaviylar davri musiqa san’ati //J. Moziydan sado.- Т.- 2003.- №№ 3-4.- 28-29 b.
6. Файзуллаев Э.М. “Бўлажак мусиқа ўқитувчилари бадиий дидини шакллантиришда ўзбек мумтоз мусиқаси имкониятларидан фойдаланиш” (методик қўлланма). Тошкент – 2008.